ROMITAN TUMAN
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI

TANISHING YANGI ADABIYOTLAR !

VIRTUAL KO`RGAZMA



YARALANGAN QUSH HAMON UCHMOQDA


SINAN AKYUZ

ILHOMLANTIRUVCHI
HAYOTIY HIKOYALAR

QO'YILGAN SINOVLAR,
CHEKLANGAN ORZULAR...

UMID, SABR VA
QALB KUCHI

HAR BIR YARADAN
YANGI BOSHLANISH UCHUN
BIR IMKONIYAT



TAVSIYA



Sinan Akyuz

Yaralangan qush hamon uchmoqda



821.512.161-31
А 44
Акюз, Синан.
Яраланган қуш ҳамон учмоқда [Matn]:роман /Акюз Синан; таржимон: Илҳом Салимов. - Toshkent: Huzur nashriyoti, 2026.- 372 b.

«Яраланган қуш ҳамон учмоқда»

Бу роман сизга яхши кайфиятни ваъда қилмайди. Чунки у руҳни уйғотиш, қалбни безовта қилиш учун ёзилган.

Англайсизки, уруш фақат ўлдирмайди — баъзан тирик қолдириб ҳам жазолайди.

Бу асарни ўқиб бўлгач, эҳтимол, дунёга ўзгача нигоҳ билан боқмассиз.


Лекин инсонларни бошқача ҳис қила бошлайсиз. Энг муҳими, яраланган қушни қачондир кўриб қолсангиз, энди унинг учаётганига эмас, балки ниманинг эвазига парвоз қилаётганига эътибор қаратасиз.




821.512.161-32
A 44
Akutagava, Ryunoske.
O'rgimchak tolasi [Matn]: hikoyalar / Ryunoske Akutagava; tarjimonlar:Uzoq Jo‘raqulov va boshq. - Toshkent: Ziyo nashr nashriyoti, 2022.- 160 b.

Ryunoske Akutagavaning "O'rgimchak tolasi" hikoyasi nomi ostida chop etilgan ushbu to'plamdan o'rin olgan hikoyalar dunyo kitobxonlarining e'tiborini qozongan.

Bu hikoyalar har bir o'quvchini hayajonga soladi, mulohazaga chorlaydi.







821.111-31
U-59

Uoller, Lesli.

Bankir [Matn]: roman / Lesli Uoller; tarjimonlar: Amir Fayzulla va boshq. - Toshkent: Ziyo nashr nashriyoti, 2022.- 304 b.

Amerikalik taniqli adib Lesli Uoller qalamiga mansub ushbu romanda, „Yunayted-benk trast kompany” ning vitse-prezidentligiga tayinlangan Vuds Palmer, oilasi bilan Nyu-Yorkka ko'chib keladi.

Uning asosiy vazifasi banklar o'rtasidagi raqobatda yutib chiqish va bankni asrab qolishdan iborat.

Banklar hayoti va faoliyati qalamga olingan ushbu asar sizga manzur bo'lishiga ishonamiz.



821.113.5-31
G 70

Gorder, Yustayn.

Sofiyaning dunyosi [Matn]: roman / Yustayn Gorder; tarjimon:Ilhom Salimov. - Toshkent: Asaxiy Books nashriyoti, 2026.- 620 b.

Yustayn Gorder: Sofiyaning dunyosi


O‘spirin yoshdagi Sofiya Amundsen dabdurustdan noma’lum muallifdan xat oladi: “Sen kimsan?” Sirli faylasuf uni g‘arb falsafasi bilan – qadimgi yunon miflaridan boshlab, Suqrot-u Platon, Kant va Sartrgacha bo‘lgan buyuk fikr egalarining qarashlari bilan tanishtiradi, shu bilan birga, o‘z mavjudligining mohiyatini izlashga undaydi.

Asar nafaqat falsafa tarixi haqida mazmunli va qiziq tarzda hikoya qiladi, balki noodatiy syujet bilan ham o‘quvchining e’tiborini tortadi.

Chin dunyo hamda xayolot o‘rtasidagi chegara haqida kutilmagan savollarni paydo qiladi.

“Sofiyaning dunyosi” – murakkab falsafiy nazariyalar sodda va tushunarli tilda ifoda etilgani bois kitobxonlarning e’tirofiga sazovor bo‘lgan.


Bir qizga kelgan sirli xatlar
va katta savollar




Yaxshi
faylasuf
bo'lish



uchun bizga faqat bir narsa kerak:
hayratlana bilish.
— Yustayn Gorder





FALSAFA VA SARGUZASHT

Falsafa olamiga sirli sayohat

14 yoshli Sofiya pochta qutisidan ikki sirli savol topadi: «Sen kimsan?» va «Dunyo qayerdan paydo bo'lgan?» Shu kundan uning g'ayrioddiy sayohati boshlanadi.



Har bir xat — yangi jumboq

Noma'lum ustoz Sofiyani Suqrotdan Sartrgacha bo'lgan falsafa tarixiga olib kiradi. Sirli maktublar esa voqeani yanada qiziqarli qiladi.

FALSAFIY-SARGUZASHT ROMANI


Sofiyaning dunyosi

Yustayn Gorder

Sofiya sirli maktublarni ola boshlaydi. Oddiy savollar uni insoniyat tafakkurining eng muhim g‘oyalari bo‘ylab hayratlanarli sayohatga boshlaydi.


Bu asar falsafa tarixini sarguzasht, jumboq va kutilmagan kashfiyotlar bilan uyg‘unlashtiradi.

> **Dunyoga yangicha nigoh bilan qarashni o‘rgatuvchi roman.**



“Sofiyaning dunyosi” – murakkab falsafiy nazariyalar sodda va tushunarli tilda ifoda etilgani bois kitobxonlarning e’tirofiga sazovor bo‘lgan.






Biror narsani bilmaslik
aslida yangi bilim
egallash yo‘lidagi bir
bosqichdir.

– Yusteyn Gorder:
Sofiyaning dunyosi





821.411.21(536.8)
Ж 79


Жосим, Ал-Умрон.

«Юсуфнинг қизи» [Matn]: роман / Жосим Ал-Умрон;-Таржимон: Абдуссамиъ Хайруллоҳ. - Тошкент: «Falaq nashr» nashriyoti, 2026.- 312 б.

Жосим ал-Умрон қаламига мансуб роман, «Фотиманинг боласи» романининг давоми.

Танасида оқ доғлар билан туғилган қизалоқ ва уни қандай бўлса шундайлигича севган отасининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.





YUSUFNING QIZI

JASSIM AL-UMRON



Oila

✦

Sevgi

✦

Sadoqat

✦

Ma'naviy kamolot

Otasining zo'ravonligiga uchragan qiz taqdiri orqali oila va farzand munosabatlari, jamiyat bosimi hamda insonning ichki kurashi yoritiladi.

HAR BIR BOLA
BAXTLI HAYOTGA LOYIQ





821.111(73)-31
М 18

Макфадден, Фрида.

Оқсоч[Матн]:роман/Фрида Макфадден; таржимон: Саодат Абдураҳмонова.- Toshkent: “Huzur” nashriyoti, 2026.- 388 б.

Фрида Макфадденнинг ушбу психологик триллери бутун дунёда бестселлерга айланган асарлардан биридир.

Роман қаҳрамони Милли ўзининг оғир ўтмишини яшириб, бой ва бадавлат Винчестерлар хонадонига хизматкор бўлиб ишга киради.

У уйни тозалайди, мазали таомлар тайёрлайди ва уларнинг инжиқ қизига ғамхўрлик қилади.

Бироқ, кўп ўтмай Милли бу оиланинг мукаммал ҳаёти ортида даҳшатли ва қора сирлар яширинганини пайқайди.

Хонадон бекаси Нинанинг ғалати хатти-ҳаракатлари ва Миллининг хонаси ташқаридан қулфланиши воқеаларни мутлақо кутилмаган томонга буриб юборади.


Бу — хиёнат, қасос ва инсон руҳиятининг қоронғу қирралари ҳақидаги ўткир сюжетли асардир.



821.113.6-32
Ch 48

Lundberg Xan, Cherstin.

Bodomli yurak [Matn] : ertak-qissa / Cherstin Lundberg Xan; tarjimon:Feruzshoh Ne’matullayev. - Toshkent: “Yosh kuch” nashriyoti, 2023.- 160 b.



Kitob qahramoni - Oskar sizning tengdoshingiz.

Uning hamma narsasi bor: o‘zini hamisha suyib-ardoqlaydigan ota-onasi, yaxshi do‘stlari va mehribon buvijonisi.

Ammo Oskarning bunday to‘kinlikdan ko‘ngli to‘lmaydi.

U ham boshqa do‘stlari kabi uyida it boqqisi, mehr berib parvarish qilgisi keladi.

Bu orzusi haqida ota-onasiga qanchalik ko‘p gapirmasin, ular Oskarning qalbidagi kechinmalar bilan hisoblashmaydilar.

Chunki oila yaqin kunlarda yangi mehmonni kutib olishi kerak.

Oskar va uning ichida tinmay urayotgan bodom mag‘zidek mitti yuragi, o‘ylari, kechinmalari sizga ham qiziq bo‘lsa, kitob mutolaasiga taklif qilamiz.





821.161.1-32
P 43
Pilnyak Boris

So'nmagan oy qissasi [Matn]: hikoyalar to'plami / Boris Pilnyak; tarjimonlar: Ortiqboy Abdullayev va boshq. - Toshkent: “Ziyo nashr” nashriyoti, 2022.- 160 b.

Ushbu to'plamdan o'rin olgan hikoyalar mualliflari jahon adabiyotiga o'z asarlari bilan munosib hissa qo'shgan.

Ushbu hikoyalar sizni dunyoda yashab o'tgan turli insonlarning taqdiri bilan tanishtiradi, sizni o'ylashga, mushohada yuritishga chorlaydi.



159.922.1
M 40

Mey, Ketrin.

Qiyinchiliklar abadiy emas [Matn]: qiyin damlarda meditatsiya qilish va o'zni tuta bilish san'ati / Mey Ketrin; ingliz tilidan Borasulova Dilnoza Dilmurodjon qizi tarjimasi.- Toshkent: “Best-book” nashriyoti, 2024.- 248 b.

Inson hayoti tabiat bilan chambarchas bog'liq bo'lib, ba'zan bahoriy kuch, shodlikda bo'lsa, ba'zida g'am-qayg'u, tashvishlarda kechadi.

Ketrin Mey qalamiga mansub ushbu kitobda ham qiyinchiliklar abadiy emasligi, inson doimo umid, ishonch bilan yashasa katta muvaffaqiyatlarga erishishi mumkinligi hayotiy misollar orqali ifoda etilgan.





159.923
Г 92

Адем Гунеш

Воз кеч ва тинчлан [Matn]:ўз-ўзини муолажалаш учун 6 хафталик амалиёт дастури / Адем Гунеш; турк тилидан Раҳматжон Бобожонов таржимаси. - Toshkent: “Iqro-Nashr” nashriyoti, 2022.- 240 б.

«Воз кеч ва тинчлан»

Оилада, жамиятда, умуман олганда, атрофдагилар билан муносабатда катта муаммоларга ва келишмовчиликка дуч келаётган, ҳаётда ўз шахсиятини йўқотган, шунингдек, онгости босимлари таъсирига тушган одамлар учун Адем Гунешнинг олти ҳафталик сеанс дастурларидан иборат Воз кеч ва тинчлан номли китоби улкан ечим ва ёрдам бўла олади.

Азиз китобхонларимизга мароқли мутолаа тилаб коламиз!

821.521-31
Ё 83
Ёшимото, Банана.

Япон Қиз Муҳаббати [Matn]: роман / Банана, Ёшимото;-Таржимон: Фарзона Ҳамроева. - Тошкент: Infokapital books nashriyoti, 2026.- 104 б.



Икки ўсмир япон ёшларининг самимий ва беғубор дўстлиги, меҳри ва алалоқибат муҳаббати билан йўғрилган ҳикояда, турли инсоний кечинмалар содир бўлади.


Бувисининг қўлида ота-онасиз катта бўлган кўнгли кенг қиз Микагэнинг ошхонага ишқи бўлакча, у инсонларга айнан уларнинг ошхонага бўлган муносабати орқали баҳо беради.

Вояга етказган бувиси сабабли қадрдонига айланган Юити билан ораларидаги мавҳум туйғулар ортидан биргаликда гоҳ қувониб, гоҳ қайғуриб ҳаёт кечирадилар.

Мана шу қоракўзларни катта қилиш учун сарфланган умрнинг аччик қисмати қаршисидаги ожизлик, танлов имконияти берилмаган Микагэ олами....

Бошига кандай кун тушишидан қатъи назар, яшашда давом этишга ундов...

Банана ёшимото бу китобни ёзганида 23 ёшда эди.



821.512.161-31
С 28

Фарида, Самир.

Мени кимдир эшитяптими? [Матн]: роман / Фарида Самир; таржимон: Муҳаммад Шоҳ Иброҳим. - Toshkent: “Nido nashr” nashriyoti, 2025.- 120 б.

Фарида Самирнинг “Мени кимдир эшитяптими?” асари шунчаки бир роман эмас–бу инсоний фожиа, қаҳрамонлик, умид ва қалбнинг ички нидоси билан тўла кучли ҳикоя.

Туркияда содир бўлган даҳшатли зилзила воқеалари асосида ёзилган бу асар реал ҳаётдан олинган сюжет орқали ўқувчини таҳликали дамларга олиб киради.

Асарда вайроналар остида қолган дўстларнинг ҳаёт учун кураши, кечинмалари, озгина бўлса-да, умидни сақлаб қолишга уринишлари юракка бевосита таъсир қилади.

Муаллифнинг ўзига хос самимий ва оғриқли услуби воқеаларни хаёлимизда эмас, гўё кўз ўнгимизда жонлантиради.

бу роман– нафақат табиий офатнинг оқибатлари, балки инсонларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, сабр-матонати ва қатъияти ҳақидаги ҳаётий сабоқдир.

Ҳар бир саҳифада “Мени кимдир эшитяптими?” деган нолани эшитасиз.

Ва бу савол–шунчаки сукунат эмас, балки жавоб изловчи қалбнинг оҳангидир.

AZIZ KITOBXONLAR! BARCHANGIZGA USHBU ADABIYOTLARNI O‘QISHNI TAVSIYA ETAMIZ!